



Газнавийлар 231 йил
Салжукийлар 165 йил
Хоразмликлар 221 йил
Илхонийлар 90 йил
Темурийлар 136 йил
Жалоирлар 97 йил
Чобанийлар 22 йил
Оккунли 130 йил
Кора Кунлилар 91 йил
Сафавийлар 231 йил
Афшарий 60 йил
Кожарлар 140 йил

Умуман олганда, 1614 йил давомида турклар Эронни доимий равишда бошқарганлар. Вафакат сўнгги 80 йил ичида турк бўлмаганлар ҳукмронлик қилдилар, аммо қандайдир тарзда "Эрон" деб номланган таълим тизими китобларида турклар тарихи бир марта ҳам тилга олинмаган!

Чунки форслар 1600 йилдан ортиқ вақт давомида турк саройларида ҳазил-мутойибачи бўлиб хизмат қилишган. Агар улар турк давлатлари борлиги ҳақида гапиришса, қимдир 1600 йил ичида нима қилганингизни сўрайди?

Табриз-Турон

ХУРОСОН (форс. — кун чиқиш, шарк) — Эроннинг шимоли шарқий қисмидаги тарихий вилоят. Парфия подшолигинин маркази (мил. ав. 250 — мил. 224). Хуросон номи сосонийлар давридан маълум. Х. 3-асрдан 18-аср ўрталаригача ҳозирги Эроннинг шим.

шаркий кисми, Марв вохаси, хоз. Туркманистоннинг жан. кисми ва Афғонистоннинг шим. ва шим. гарбини ўз ичига олган. Машхад, Нишопур, Марв, Балх, Хирот, Туе, Сарахс, Обивард, Нисо, Сабзавор Хуросоннинг мухим шаҳарлари бўлган. 7-а. ўрталарида уни араблар эгаллаган. Араб халифалиги таназзулга учрагач, Хуросон Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Газнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, Хулокуийлар, Куртлар давлати таркибига кирган (9 — 14- аср лар). 8-асрдан 13-асрнинг 20-йилларигача Хуросон Якин ва Ўрта Шарқда иктисодий жихатдан энг ривожланган ўлкалардан бири бўлган. У қўшни давлатларга кишлок хўжалиги махсулотлари, мевалар, ипак, жун, мўйна чиқарган. Шунингдек, Хуросонда кумуш, қўргошин, мис ва темир рудалари, олтин, олтингугурт, тўтиё, маргимуш, мармар, малахит ва бошқалар казиб чиқарилган, тўкимачилик авж олган. 1220 ва 1223 й. ларда Хуросонга мўғуллар хужум қилиб, вайрон этган, аҳолисининг кўпчилиги қириб ташланган. Шундан кейин Хуросон аввалги мавқеъига чика олмаган. 14-аср охирида Амир Темур Хуросонни ўз давлатига қўшиб олган, кейинчалик Шайбонийлар, 1510 —1736 йиллар Сафавийлар давлатига тобе бўлган. Кейинчалик Хуросоннинг бир кисми (Хирот вилояти ва Балх) Афғонистонга, бир кисми Эронга қўшилган.

[Латофат Абдримова](#)